БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 5
14 ФЕВРАЛЬ
ЯКШАНБА
1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Биз Ўзбекистоннинг барча колхозчиларини, МТС ва совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, барча меҳнаткашларини бутун куч-қувватларини сафарбар қилишга, юксак ижодий активлик кўрсатишга, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун фидокорона меҳнат қилишга чақирамиз.

(Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгашида қабул қилинган Мурожаатдан).

## Хитой Халқ Республикаси Марказий халқ ҳукуматининг Раиси ўртоқ МАО ЦЗЭ-ДУНГА

ПЕКИН.

Ўртоқ Раис, дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Совет-Хитой Шартномаси имзоланишининг 4 йиллиги муносабати блан самимий табрикларимни қабул қилишингизни Сиздан сўрайман.

Шартнома Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги ҳартомонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик учун мустаҳкам асосдир.

Хитой Халқ Республикаси блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган бузилмас дўстлик бундан кейин ҳам тинчликни сақлаш ва барча мамлакатлар халқларининг хавфсизлигини та'минлашнинг қудратли факторн бўлиб қолади.

Улуғ хитой халқининг ўз халқ-демократик тузумини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида бундан кейин ҳам муваффақиятларга эришувини истайман.

Г. МАЛЕНКОВ.

## Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Г. М. МАЛЕНКОВГА

Ўртоқ Раис, дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Хитой Халқ Республикаси блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида тузилган Шартнома имзоланган куннинг 4 йиллиги муносабати блан менинг самимий ташаккур ва қизғин табрикларимни қабул қилишингизни Сиздан сўрайман.

Тўрт йил ичида бўлиб ўтган воқиалар Хитой Халқ Республикаси блан Совет Иттифоқи ўртасидаги улуғ иттифоқ Узоқ Шарқда ва бутун дун'ёда тинчлик ҳамда хавфсизликни та'минлашнинг мустаҳкам таянчи эканлигини тобора яққол исбот этмоқда. Совет Иттифоқи Ҳукумати ва халқи томонидан Хитойга кўрсатилаётган беғараз ва самимий ёрдам Хитойни социалистик негизда индустриялашни тезлаштириш ҳамда унинг аста-секин социализмга ўтиши учун, шунингдек Совет Иттифоқи етакчилигидаги тинчлик ва демократия лагери кучларини ошириш учун бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги буюк дўстлик ҳамда бирликнинг тобора кучайиши ва мустаҳкамланишини истайман.

МАО ЦЗЭ-ДУН.

1954 йил, 11 февраль.
Пекин.

Узбекистон ССРнинг барча колхозчиларига, совхозлар, машина-трактор станциялари ва бошқа махсус станцияларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига, илмий ходимларга, саноат корхоналарининг ходимларига, барча меҳнаткашларга

## *Қишлоқ хўжалик илғорлари республика кенгаши (X қурултойи) қатнашчиларининг*

# *МУРОЖААТИ*

Қадрли ўртоқлар!

Партия XIX с'ездининг ва КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг тарихий қарорларидан руҳланган бутун совет халқи мамлакатимизда аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун хомаш'ёни яқин икки-уч йил ичида мўл-кўл қилиш мақсадида қишлоқ хўжалигининг барча тормоқларини кескин равишда юксалтириш вазифасини муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сафарбар қилмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доно раҳбарлиги остида қудратли оғир саноат вужудга келтирилди ва тобора ривожланмоқда, колхоз тузуми ривож топди ва қудратли кучга айланди, қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш учун зарур бўлган ҳамма шароит вужудга келтирилди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ҳам мамлакатимизда социалистик деҳқончиликнинг оғишмай ривожланаётганлигига яққол мисол бўлаолади.

Партия ва ҳукумат пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида ҳардоим катта ғамхўрлик қилиб, бу ишга зўр э'тибор бериб келдилар ва ҳозир ҳам шундай қилмоқдалар, халқ хўжалигини юксалтириш, маданият ва фанни яшнатиш ҳамда Ўзбекистон меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини оширишга катта ёрдам бериб келдилар ва ҳозир ҳам катта ёрдам бермоқдалар.

Ана шу ёрдам туфайли, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли кейинги йилларда пахта етиштириш анча кўпайди ҳамда 1953 йилда урушдан аввалги даражадан 70 процентдан кўпроқ ошди.

Ҳозирги вақтда бизда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тормоқларини тез сур'атлар блан янада ривожлантириш учун ҳамма шароит вужудга келтирилди.

Республикамизда 250 машина-трактор станцияси, 15 машина-чорвачилик станцияси, 27 машина-экскаватор станцияси ташкил қилинган. Буларда мавжуд бўлган ўн минглаб трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари далачиликда, чорвачиликда, сув хўжалигида ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тормоқларида оғир меҳнат талаб қиладиган асосий процессларни тўла машиналаштириш имконини бермоқда.

Республикада кенг кўламда ирригация ва мелиорация ишларининг амалга оширилганлиги кўпгина область ва районларда узоқ вақтдан буён давом этиб келган сув камчилигини тугатиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш ва қўшимча равишда юз минг гектарлаб янги ерларни ўзлаштириш имконини берди.

Майда колхозларнинг бирлаштирилганлиги қишлоқ хўжалик артелларини яхши тайёргарлиги бўлган, колхоз ишлабчиқаришини биладиган тажрибали кадрлар блан мустаҳкамлаш, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналаридан яхшироқ фойдаланиш, колхозчиларнинг меҳнат унумини анча ошириш имконини берди.

Ўтган йилда илғор колхоз, совхоз, район ва областьлар пахта ва бошка қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпайтиришда янги муваффақиятга эришдилар. Давлатга 1952 йилдагига нисбатан кўп пахта топширилди. Қашқадар'ё ва Сурхондар'ё областьлари, 38 район ва беш совхоз пахта тайёрлаш планини бажарди. Давлатга ғалла, пилла, сабзавот, картошка ва қоракўл тери топшириш планлари ҳам муваффақиятли бажарилди. Қўй, эчки, чўчқа ва йилқи сонини кўпайтириш плани ошириб бажарилди.

Лекин биз, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари, мамлакатдан анча қарздор бўлиб қолдик.

Бизда 1953 йилда ўзлари блан бирхил шароитда бўлган бошқа колхоз ва совхозлардан анча кам пахта ҳосили олган колхозлар, совхозлар ва машина-трактор станциялари ҳали ҳам кўп.

Янгидан суғориладиган ерларни ўзлаштириш плани кўп миқдорда бажарилмасдан қолди. Бунинг орқасида кўпйиллик ўтлар экиш ва пахта — ўт-далали алмашлаб экишни ўзлаштириш топшириғи тўла бажарилмади.

Бирқанча суғориш системаларида сувдан ҳали ҳам ёмон фойдаланилмоқда, кўпгина колхоз ва совхозларда сувнинг кўплаб исроф қилинишига йўл қўйилмоқда.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш соҳасида ҳам катта камчиликлар бор. 1953 йилда сигирлар, йирик қорамоллар ва паррандалар сонини кўпайтириш юзасидан берилган давлат плани бажарилмади. Республика колхозларида чорва молларининг маҳсулдорлиги йўл қўйиб бўлмайдиган даражада паст, мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш тўғрисида тегишинча ғамхўрлик қилинмаётир. Колхоз ва совхозларда чорва молларининг кўплаб нобуд бўлишига, урғочи ҳайвонларнинг қисир қолишига йўл қўйилмоқда, ёш моллар яхши сақланмаётирки, бундай аҳволга чидаб бўлмайди.

Биз ҳали сабзавот ва картошка етиштиришдаги қолоқликни тугатганимиз йўқ.

Машина-трактор станцияларининг анча қисмида кучли қишлоқ хўжалик техникасидан ва айниқса пахта териш машиналаридан қониқарли фойдаланилмаётир. Бу машина-трактор станциялари трактор ишлари юзасидан берилган давлат планини бажармадилар, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ошириш юзасидан белгиланган топшириқни уддалайолмадилар.

1953 йилдаги ишимизда юз берган яна бир жиддий хато шундан иборатки, биз йиғим-терим ишларининг 1954 йил ҳосили учун кузги-қишки зарурий тадбирларни амалга ошириш блан боғлаб олиб боришни та'минламадик. Колхоз ва совхозларда ерни шудгорлаш плани фақат 25 процент бажарилди; далага маҳаллий ўғитлар чиқариш ёмон уюштирилган, шунингдек «Сельхозснаб» омборларидан минерал ўғитларни ташиб олиш ҳам ёмон уюштирилган. Шўр ерларни ювиш ишлари суст бажарилмоқда; зовурларни ва суғориш тормоқларини тозалаш иши қониқарсиз ташкил қилинган. Республиканинг машина-трактор, машина-чорвачилик станциялари ва совхозлари тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини кўклам дала ишларига тайёрлашда сусткашлик кўрсатмоқдалар. Кўп колхозлар ўзларини баҳори экинлар уруғи блан та'минламаганлар, далачилик ва чорвачилик фермаларини ходимлар блан та'минлаш иши кўп ерда тамомланмаган, МТСларни ва колхозларни қишлоқ хўжалик мутахассислари ва механизатор кадрлар блан та'минлаш соҳасидаги ишлар ҳам тўла бажарилмаган.

Илғор колхоз, совхоз, МТС ва районларнинг тажрибаси бизнинг республикамизда барча колхозларнинг, барча совхоз ва районларнинг пахта, сабзавот, ғалла ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиши учун ҳамма имконият борлигини кўрсатади.

Республикада қишлоқ хўжалик пропагандаси яхши йўлга қўйилганда эди, илғор иш тажрибалари кенг ёйилганда ва жорий қилинганда эди, орқада қолаётган колхоз, совхоз, МТСларни илғорлар қаторларига етказиб олиш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тормоқларини чинакам юксалтиришни та'минлаш мумкин бўлар эди.

Лекин илғор иш тажрибаларини пропаганда қилиш ҳамда колхоз ва совхоз ишлабчиқаришига жорий этиш ҳали ҳам қониқарсиз амалга оширилмоқда. Биз илмий-текшириш ва тажриба муассасаларидаги ходимлар блан қишлоқ хўжалигининг илғор тажрибакорлари ўртасидаги алоқа ҳали ҳам суст, деб ҳисоблаймиз. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган илмий-текшириш муассасаларининг иши ўсиб бораётган талаблардан орқада қолаётир.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми колхоз, МТС ва совхозлар ишидаги жиддий камчиликларни, қишлоқ хўжалигининг чорвачилик, сабзавотчилик ва картошка етиштириш каби муҳим соҳаларидаги чидаб бўлмайдиган қолоқликнинг сабабларини очиб ташлади, бу қолоқликни тугатиш йўлларини кўрсатиб берди, ғалла, техника экинлари ва мойли экинлар етиштиришни кенгайтириш тадбирларини белгилаб берди.

Биз партия ва ҳукуматнинг қарорига амал қилиб, 1953 йилда ишда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни танқид қилиб, бу камчилик ва хатоларни тугатиш ҳамда 1954 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни яхшилаш тадбирларини белгиладик.

### ПАХТАЧИЛИК БУЙИЧА

Бутун халқнинг доимий равишда ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришда пахта етиштиришни кўпайтириш жуда катта роль ўйнашини назарда тутиб, биз барча колхозчиларни, совхоз, машина-трактор станциялари ва махсус станцияларнинг ходимларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, фан ходимларини ва республикамизнинг барча меҳнаткашларини 1954 йилда пахтачиликни янада юксалтириш соҳасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қизитиб юборишга чақирамиз:

Пахта майдонини 76 минг гектар кенгайтирамиз ва пахта ҳосилини ўтган йилдагига нисбатан гектар бошига 4 центнер оширамиз.

Колхоз, совхоз ва МТСларнинг бутун кучларини ҳосилнинг ҳамма ерда барвақт ва бир текис етилишини та'минлашга қаратамиз, шундай қилиб, пахтанинг бутун ҳосилини 10 ноябрьдан кечикмай йиғиб оламиз ва қисқа муддатда давлатга топширамиз, бинобарин, пахта ҳосилининг камида 80—85 процентини отбор ва биринчи сортларга топширамиз ҳамда ерларни декабрь ойининг биринчи ярмидан кечикмай тўла шудгор қилиб қўямиз.

Колхоз ва совхозларда кўпйиллик ўтлар майдонини 522 минг гектарга етказамиз, ҳарбир гектар ердан ўрта ҳисобда камида 60—70 центнердан қуруқ беда ва 1,5—2 центнердан беда уруғи оламиз.

Зиммамизга олган мажбуриятларимизнинг муваффақиятли равишда бажарилиши кўклам экишига қанчалик пухта тайёргарлик кўришимизга ва уни ўтказишимизга боғлиқ. Шунинг учун кўкламга тайёргарлик ишларини яқин вақт ичида тугаллашимиз лозим.

Шўр ерларнинг ҳаммасини сифатли қилиб ювамиз ва шўрнинг тупроқ бетига чиқиб қолишига ва қатқалоқ ҳосил бўлишига йўл қўймаслик учун ерни ўз вақтида бороналаймиз; 15 мартдан кечикмай, ариқлар ва зовурларнинг ҳаммасини тамомила тозалаб, сув қўйишга тахт қилиб қўямиз: шу муддат ичида ирригация системаларини ремонт қилиш ва тартибга солиш ишларини тўла бажарамиз;

МТС ва совхозлардаги барча тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини 1 мартга қадар дала ишларига тўла тахт қилиб қўямиз;

ҳамма колхоз ва совхозларда от-уловларни тайёрлаб, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини ва транспорт воситаларини ремонт қилиб қўямиз;

15 миллион тонна миқдорида маҳаллий ўғит тайёрлаб, уни далаларга ташиб келтирамиз ва пахта ҳамда бошқа экинларга соламиз; органик ўғитлар блан минерал ўғитлар аралашмасини механизмлар ёрдами блан экинларга соламиз;

колхозларда 360 минг гектар майдонга а'ло сифатли уруғлик чигит экамиз. Экиш олдидан уруғлик чигитнинг ҳаммасини қуёшда қиздирамиз, 28 минг тонна уруғлик чигитни марказлаштирилган усулда гоммозга қарши дорилаймиз, қолган уруғликни формалин ва сульфат аммоний блан дорилаймиз;

чигитни яхши ишланган ерга ва энг яхши агротехника муддатларида — ҳарбир колхозда 9—12 иш кунида, совхозларда эса 7—8 иш кунида экиб бўламиз ва чигит экишни ҳамма областьларда 10—15 апрельдан кечикмай, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРнинг шимолий районларида 1954 йил 20 апрельгача тўла тамомлаймиз.

300 минг гектар майдонда чигитни қатор ораларини торайтириб экамиз;

чигит экилган бутун майдонда унинг ҳамма областьларда 1 майгача, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда — 10 майдан кечикмай тўла ундириб олиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрамиз; чигит униб чиқиши блан беш кундан кечикмай ғўзани ягана қиламиз, ҳарбир гектар экин майдонида ўрта ҳисобда камида 90—100 минг туп ўсимлик бўлишига эришамиз; 300 минг гектар майдонда ғўзани машина блан яганалаймиз;

ғўза қатор ораларини ишлашни чигит униб чиқиши блан бошлаймиз ва қатор ораларини биринчи ишлашни 15 майдан ва иккинчи ишлашни 5 июньдан кечикмай, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида эса биринчи ишлашни 20 майгача ва иккинчи ишлашни 10 июньгача ўтказамиз.

Ғўзанинг шундан кейинги ҳарбир цикл парваришини 12—15 кунда юксак агротехника даражасида, суғориш блан тўғри мослаб ўтказиб турамиз. 250 минг гектар майдонда ғўза қатор ораларини кўндалангига ва бўйига ишлаймиз.

Ғўзани парвариш даврида тўғри ва чуқур эгатлар орқали жилдиратиб суғорамиз, сувнинг исроф қилинишига ва ундан нотўғри фойдаланишга йўл қўймаймиз.

Ғўза ва бошқа экинларнинг зарарланишига йўл қўймаймиз, бунинг учун қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши профилактика чораларини амалга оширамиз.

### ЧОРВАЧИЛИК БУЙИЧА

Утган йилдагига нисбатан сигирлар сонини 12 процент, шу жумладан колхозлар бўйича 27 процент, йирик қорамоллар сонини 6 процент, шу жумладан колхозлар бўйича 9 процент, қўй ва эчкилар сонини 13 процент, шу жумладан колхозлар бўйича 16 процент кўпайтирамиз, колхозларда подани кўпайтирамиз, молларнинг қисир қолишига ва ёш ҳайвонларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз; ҳарбир соғин сигирдан 1000 килограмм сут соғиб олишга ва ҳарбир қўйдан 2,4 килограммдан жун олишга эришамиз, ҳар 100 қоракўл совлиқ қўйдан 102 қўзи оламиз ҳамда қоракўл териларининг камида 70 процентини давлатга биринчи сорт блан топширамиз;

ем-хашак етиштиришни анча яхшилаймиз, камида 4.100 минг тонна дағал хашак, 180 минг тонна ширали пичан, шу жумладан камида 80 минг тонна силос тайёрлаймиз; камида 31 минг гектар ерга илдизмева ва силос бостириладиган экин экамиз, ҳар гектар ердан камида 200 — 250 центнер илдизмева ва 250—300 центнер силос экини оламиз;

республика колхозларида 55 минг сигирни қўлда боқишга ўтказамиз ҳамда уларни тўғри ва тўйдириб боқишни та'минлаймиз. Қиш даврида ҳарбир колхозда қўлда боқиладиган ҳарбир сигир учун камида 20 центнер юқори сифатли пичан, 30 центнер силос, 20 центнер илдизмева ва 3,5 центнер концентрация қилинган ем-хашак тайёрлаб қўямиз;

дашт ва яримдашт яйловлардан фойдаланишни анча яхшилаймиз. Камида 1 миллион гектар яримдашт ва дашт яйловларга қўшимча равишда сув чиқарамиз ва уларни ўзлаштирамиз;

чорвачилик фермаларини чорвачилик ишини биладиган ва севадиган кадрлар блан мустаҳкамлаймиз, уларнинг моддий-маиший шароитини ва уларга маданий хизмат кўрсатишни, айниқса узоқ ерлардаги яйловларда турган чўпонлар ва уларнинг оила-а'золарининг моддий-маиший шароитини ҳамда уларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаймиз.

Чорва молларининг ҳаммасини сақлаб қоламиз. Ҳарбир колхоз ва совхозда планда кўрсатилганича молларни яйловларда боқишни ва бўрдоқига боқишни сўзсиз та'минлаб, давлатга семиз мол топширамиз. Колхозлар ва колхозчиларнинг давлатга чорвачилик маҳсулотлари ва юқори сифатли чорвачилик хомаш'ёси топшириш ҳамда сотиш мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини та'минлаймиз.

Чорва молларини қишдан семиз ва соғлом чиқарамиз, бунинг учун колхозларда мавжуд бўлган ҳамма чорвачилик биноларини ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўямиз, шунингдек 12 минг от учун отхона, 40 минг қорамол учун молхона, 20 минг бузоқ учун бузоқхона, 1 миллион 200 минг қўй учун қўйхона, 100 минг парранда учун паррандахона, 330 минг жўжа учун катак, 3 минг чўчқа учун чўчқахона қурамиз, 30 минг тонна силос бостириш учун жой тайёрлаймиз; зарур миқдорда ем-хашак ва концентрация қилинган ем-хашакни чорва қишлови жойига ўз вақтида ташиб оламиз.

Колхозларда наслчилик ишини ва зооветеринария хизматини анча яхшилаймиз.

Ем-хашак тайёрлашда ва чорвачилик фермаларидаги кўп меҳнат талаб қиладиган бошқа ишларда барча механизация воситаларидан тўла фойдаланамиз, чорвачиликда банд бўлган колхозчиларнинг меҳнатини яхши уюштирамиз ва меҳнат унумини оширамиз.

### ҚАРТОШКА, САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ БУЙИЧА

Колхоз ва совхозларда сабзавот-полиз экинлари ва картошка экиладиган ерларни янада кенгайтириб, 100 минг гектарга етказамиз. Ёш дарахтлар орасига экиладиган ва такрор экиладиган экинлар ҳам шу ҳисобга киради. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда камида 170 центнер сабзавот, 180 центнер полиз экинлари, 150 центнер картошка оламиз.

Бу вазифани бажариш учун сабзавот-полиз экинлари ва картошкани асосан шаҳар, саноат марказлари ва район марказлари атрофига экамиз, бу экинларни экадиган махсус колхозлар ва бригадалар ажратамиз.

Қўлимизда бўлган уруғлик картошкани ва сабзавот-полиз экинларининг уруғларини экиш учун тўла сақлаб қоламиз ҳамда ҳарбир колхоз ва совхозда экиш планини бажариш учун етишмайдиган уруғликни қўшимча равишда топиш чораларини кўрамиз.

Сабзавот экадиган ҳарбир колхоз ва совхозда ирригация-мелиорация ва ер текислаш ишларини, шунингдек белгиланган план ҳажмида янги суғориш системасига ўтиш ишларини ўз вақтида амалга оширамиз.

Колхозларда камида 12 минг гектар ерга картошкани, 7 минг гектар ерга сабзавотни машина блан экамиз, полиз экинлари учун 19 минг гектар ерга машина блан эгат оламиз, 45 минг гектар ерда картошка ва сабзавот—полиз экинларининг қатор ораларини машина блан ишлаймиз ҳамда 12 минг гектар ердаги картошкани машина блан ковлаб оламиз.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон ССРнинг барча колхозчиларига, совхозлар, машина-трактор станциялари ва бошқа махсус станцияларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига, илмий ходимларга, саноат корхоналарининг ходимларига, барча меҳнаткашларга

## *Қишлоқ хўжалик илғорлари республика кенгаши (X қурултойи) қатнашчиларининг*

# *МУРОЖААТИ*

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Колхозларда камида 6 минг гектар ерга картошка, 3 минг гектар ерга сабзавот, 5 минг гектар ерга полиз экинларини уялаб-квадрат шаклда экамиз. Бу экинларни уялаб-квадрат шаклда экиш ва ўтқазиш учун текис, серҳосил ва сув блан яхши та'минланган катта ер участкаларини ажратамиз. Экинларни уялаб-квадрат шаклда экиш ва ўтқазиш усулларини ва техникасини механизаторларга, колхоз ва совхоз кадрларига ўз вақтида ўргатамиз.

300 гектар ерда карам, помидор ва бодринг кўчатлари ўтқазишни та'минлаш учун колхозларда камида 12 миллион дона чиринди-лой тувакчалар тайёрлаймиз. Колхозларда камида 146 минг дона парник рамини ўз вақтида ўрнатамиз ҳамда талаб қилинган миқдорда сабзавот кўчатларини юқори сифатли қилиб ўстиришни та'минлаймиз.

Мавжуд бўлган ўғитлардан сабзавот-полиз экинлари ва картошка учун энг кўп даражада фойдаланамиз.

Экиш, парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиб олиш соҳасидаги барча ишларни энг яхши агротехника муддатларида юқори сифатли қилиб ўтказамиз.

Колхозларда 200 та сабзавот ва картошка сақлайдиган омбор, камида 12 минг квадрат метр ҳажмда теплица ва 50 минг дона парник рами тайёрлаймиз.

### БОҒЛАР, ТОКЗОРЛАР ВА СУБТРОПИК ЭКИНЛАР БЎЙИЧА

Колхозларда 3000 гектар ерга янги мевазор-боғ қилиш, 3000 гектар ерни токзор қилиш, 100 гектар ерга резавор мевалар экишни та'минлаймиз. Боғларнинг ҳарбир гектаридан камида 55 центнердан мева ҳосили, токзорлардан 60 центнердан узум, 40 центнердан резавор мева олишни та'минлаймиз.

Янги боғлар ва токзорларнинг кўчатларини агротехника жиҳатидан энг қулай муддатларда, яхши текисланиб қўйилган ёки чуқур ҳайдалган кенг майдонларга экамиз. Шу блан бирқаторда ҳамма боғлардаги ўтган йиллари ўтқазилган ёш мева кўчатларининг ортиқча шохларини бутаб, яхши парвариш қиламиз. Янги ўтқазилган кўчатларни ўз вақтида парвариш қилишни ва уларнинг ҳаммаси тутиб қолишини ва сақланишини та'минлаймиз.

Боғларда ва токзорларда ўсиш даврида дарахтларнинг тагини бир марта ҳайдаймиз, камида уч марта юмшатамиз ва қатор ораларини кузда шудгор қилиб қўямиз. Сувли зонада ҳосилга кирган боғларни камида 4—6 марта ва токзорларни 4 марта суғорамиз. Зараркунанда ва касалликларга қарши боғлар ва токзорга ўз вақтида дори сепамиз. Токларни ва субтропик экинларни қора совуқ бошланмасдан ўз вақтида кўмиб қўямиз.

Цитрус экинларини янада кўпайтириш учун колхозларда 17000 метр янги траншея кавлаймиз ва зич бўлиб ўсган цитрусзорлардан кўкламда бу траншеяларга 8,5 минг туп ўсимликни кўчириб ўтқазамиз.

### ҚАНАП, ЖУТ ВА ТАМАКИ БЎЙИЧА

Ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан камида 36 центнер жутпояси, 40 центнер канап пояси, 3 центнер канап уруғи, 12 центнер тамаки оламиз. Шу мақсадда толали экинларни ва тамакини яхши тайёрланган ерларга қуйидаги муддатларда: канапни 10 апрельдан 20 апрельгача, жутни 1 майдан 15 майгача, тамакини 20 апрельдан 10 майгача экиб бўламиз.

Ернинг хусусиятига ва еrости сувларининг юза ёки чуқурлигига қараб канап экинларини 5—9 марта, жут экинларини 6—10 марта суғоришни, шунингдек ўсиш даврида 4—5 марта культивация қилишни ва 3 марта кетман чопиғи ўтказишни та'минлаймиз. Толали экинлар ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ишларини кенг равишда машиналаштирамиз ва камида 17000 гектар ердаги канап ва жут ҳосилини машина блан ўриб-йиғиб оламиз.

Канап уруғи етиштирадиган ҳамма колхозларда об-ҳаво шароити ноқулай бўлган вақтда пояни янчиш имкониятини вужудга келтириш учун усти ёпиқ хирмон жойлар қурамиз.

Парникларда, иситилган эгатларда ва кўчатзорларда юқори сифатли тамаки кўчатларини ўз вақтида ўстириб етиштирамиз. Давлатга топшириладиган тамаки сифатини кескин суратда яхшиламоқ учун, тамаки баргларини техника жиҳатидан етилган пайтларда узиб олишни ташкил этамиз. Тамаки баргини дастлабки ишлаш соҳасидаги барча комплекс тадбирларни тўғри ўтказамиз, бунинг учун тамакичилик колхозларида тамаки сақланадиган ва зарур ускуналар блан та'минланган 300 та сарой қурамиз. 1953 йилги канап, жут пояларини ва канап уруғи ҳосилини янчиш ҳамда давлатга топширишни шу йил 1 мартгача, тамаки хомаш'ёси топширишни 15 февральгача тамомлаймиз.

### ДОН ВА МОЙЛИ ЭКИНЛАР БЎЙИЧА

Барча колхозларни ўзларининг юқори сифатли уруғлари блан тўла та'минлаймиз, районлаштирилмаган конденциясиз уруғларнинг экилишига йўл қўймаймиз.

Бошоқли дон экинларининг ҳамма уруғликларни экишдан олдин гранозан ёки формалин блан дорилаймиз.

Баҳори буғдой, арпа, нўхат, зиғир ва махсарни эрта муддатларда, айрим зоналар доирасида узоғи блан 10—12 кун ичида экамиз ва экишни текис баҳорикор зонада 20 февральдан, текис-адр ерларда 10 мартгача, тоғ этакларидаги ерларда 20 мартгача ва тоғлиқ ерларда 30 мартдан кечикмай тугаллаймиз.

Кузги дон экилган майдоннинг ҳаммасини экинлар поя чиқармасдан туриб, бороналаймиз.

Бирйиллик ёввойи ўтлар ўсган участкаларни камида 2 марта ва кўпйилли ёввойи ўтлар ўсган участкаларни уч марта ўтоқ қиламиз.

Бошоқли дон экинлари, ғалласимон-дуккакли ва мойли экинларни нобудгарчиликка йўл қўймасдан ўриб-йиғиб оламиз, ўрим-йиғим бошланган дастлабки кунларданоқ донни тозалашни ва колхозларнинг уруғлик фондларига топширишни ташкил қиламиз.

Бошоқли экинларнинг камида 85 процентини ва зиғир экилган майдоннинг 60 процентидаги ҳосилни комбайнлар блан ўриб-йиғиб оламиз. Ҳарбир экиннинг ҳосили бўйича давлат мажбуриятларини топшириш, МТСларнинг ишлари учун натура ҳақини тўлаш ва 1955 йилда экиш учун колхозларда уруғлик фондларини жамғариб қўйиш планларини тўла бажарамиз.

Еввойи ўтлар ўсиб чиқабошлаши ва ер қотабошлаши блан пар кўтарилган ерларни культивация қилиб қўямиз, август ойида эгат олиб экиладиган ёзги шудгорларда намни сақлашга алоҳида э'тибор берамиз.

Дон экилган, шунингдек пар кўтарилган ерларни намиқдириш учун қор, ёмғир, сел ва булоқ сувларидан кенг суратда фойдаланамиз.

1955 йилда ҳосил олинадиган кузги дон экинларини пар кўтарилган ерларга ва баҳори дон экинларини кузда шудгор қилиб қўйилган ерларга экамиз, бунинг учун пар кўтаришни 30 апрельгача ва кузда шудгорлаб қўйишни 30 ноябрьгача тамомлаймиз. Ердаги ҳосилни ўриб-йиғиб олиш блан бир вақтда кузги шудгорни кенг суратда ташкил қиламиз ва тупроқнинг қуриб қолишига йўл қўймаймиз.

Зарарли-заҳарли ёввойи ўтлар ўсган далаларда ҳосилни йиғиб олиш блан бирвақтда анғизни 12—14 сантиметр чуқурликда юмшатиб қўямиз ва қора шудгорни 25—27 сантиметр чуқурликда ўтказамиз, бу ерлардаги зарарли-заҳарли ёввойи ўтларнинг илдизларини қолдирмай йиғиштириб оламиз.

Баҳорикор ва шартли суғориладиган ерларда ўт-далали алмашлаб экишни жорий қиламиз, шу мақсадда ҳарбир колхозда кўпйиллик ўтлар уруғчиликни ташкил қиламиз.

Шоли экиладиган ерларни тайёрлашни шу йил 15 апрельдан кечикмай тамомлаймиз. Сурхондар'ё ва Қашқадар'ё областьларида шоли экишни 20 апрельгача; Андижон, Тошкент, Фарғона, Наманган ва Самарқанд областьларида 10 майгача; Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССРда 20 майгача тугаллаймиз.

Шоли экинини парвариш қилиш юзасидан бўлган ҳамма ишларни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказамиз, бутун ҳосилни нобудгарчиликка йўл қўймасдан ўриб-йиғиб оламиз, давлатга шоли топшириш ва колхозларнинг уруғлик фондларига уруғ жамғариш планини 7 ноябрьгача тугаллаймиз.

### ПИЛЛАЧИЛИК БЎЙИЧА

Ҳар қути қурт уруғидан камида 55 килограммдан пилла оламиз. Кўкламда боқиладиган ҳамма қуртларнинг камида 80 процентини жадал усул блан боқамиз.

Бутун пилла ҳосилининг камида 88 процентини давлатга сортли қилиб топширамиз, шу жумладан камида 28 процентини биринчи сортга ва 35 процентини иккинчи сортга топширамиз.

Қурт боқиш учун колхозлардаги ҳамма усти ёпиқ бинолардан тўлиқ фойдаланамиз.

Пилла ҳосилини ошириш, ялпи маҳсулотни кўпайтириш ва пилланинг сифатини яхшилаш учун қурт боқишга тайёргарлик кўриш юзасидан бўлган ишларнинг ҳаммасини — қуртларни 4 ёшгача боқишга тайёргарликни 15 мартдан кечикмай ва 5 ёшгача боқишга тайёргарликни 10 апрельдан кечикмай тугаллаймиз; тут баргларидан қурт боқиш учун тўғри ва тежаб фойдаланишга эришамиз.

Пилланинг сифатини кўтариш учун ғайрат блан кураш олиб борамиз: ипак қурти пилла ўрайдиган яхши сифатли дасталарни ва похолдан қилинадиган сун'ий дасталарни қуртлар пилла ўрайбошлашидан камида 10 кун илгари тайёрлаб қўямиз.

6 минг гектар ерда янги тўплама тутзор барпо этамиз ва 20 миллион туп баланд танали кўчатларни ўтқазамиз, тут дарахтларини яхши парвариш қилишни та'минлаймиз.

### МАШИНА-ТРАКТОР СТАНЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА

МТС ходимларининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан чақирилган Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг Совет Иттифоқидаги машина-трактор станцияларининг барча ишчиларига, мутахассисларига ва хизматчиларига қарата чиқарган мурожаатида улар Коммунистик партия томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун машина-трактор станциялари, колхозлар ва бригадалар ўртасида социалистик мусобақани кенг кучайтириб юборишга чақирилади.

Биз бу чақириқни қизғин қўллаб-қувватлаймиз ва Совет Иттифоқи машина-трактор станциялари ходимларининг социалистик мусобақасига қўшилиб, ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўямиз:

1954 йилда колхозларда шартли ҳайдов ҳисобида 16 миллион гектар ҳажмида трактор ишларини бажарамиз, камида 850 минг гектар майдонда пахтани (биринчи ва иккинчи теримда) машина блан териб олишни та'минлаймиз; 540 минг гектар ерда дон экинларини комбайнлар блан ўриб-йиғиб оламиз, 800 минг гектар ерда машина блан пичан ўрамиз ва 400 минг гектар ерда пичанни машина блан ғарам қиламиз, камида 40 минг тонна миқдорида силос бостирамиз; 1955 йил ҳосили учун 1 миллион 800 минг гектар ерни шудгор қилиб қўямиз.

Хизмат қиладиган колхозлардаги ҳамма ишларни шартномаларда белгиланган муддатларда юқори сифатли қилиб ўтказамиз.

Пахта, сабзавот ва полиз экинларини, дон, мойли экинлар ва бошқа техника экинларини экиш ва парвариш қилиш ишларини машина блан бажаришдан ташқари МТСларнинг тракторлари блан янги ерларни ўзлаштириш ва янги суғориш системасига ўтиш блан боғлиқ бўлган 85 миллион кубометр ер ишларини бажарамиз; барча тракторчиларнинг смена нормаларини бажаришларини та'минлаймиз; ҳарбир ғилдиракли трактор блан бир сменада камида 2,5 гектар ерни, ДТ—54 ва НАТИ гусеничний тракторлари блан бир сменада камида 5 гектар ерни, С-80 трактори блан бир сменада камида 10 гектар ерни ҳайдашга, чопиқ трактори блан уруғ экишда, культивация қилишда, ўғитни машина блан сепишда камида 10—12 гектар ерни ишлашга эришамиз. Республика МТСларидаги мавжуд ҳамма пахта териш машиналаридан тўла фойдаланамиз, ҳарбир машина блан мавсум охиригача камида 60 тонна пахта теришни та'минлаймиз.

1954 йилда пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда машиналардан кенг фойдаланиб, очилган пахтанинг ҳаммасини ноябрь ойидан кечикмай, териб олиш, шунингдек 1955 йил ҳосили учун барча ишларни ўз вақтида ўтказиш та'минланиши лозим.

Агрономлар, механизаторлар, колхозларнинг раҳбарлари ғўзани парвариш қилишда агротехникани тўғри қўлланиб, пахта териш ишларини кенг суратда машиналаштиришни та'минлашлари лозим.

Чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни кенг механизациялаштирамиз. Ем-хашак тайёрлаш ишларидан ташқари камида 3 миллион 800 минг қўйнинг жунини машина блан қирқишни та'минлаймиз, чорвачилик фермаларини механизациялашда колхозларга ва даставвал сигирларни оғилхоналарда боқишга ўтган колхозларга ёрдам берамиз.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун яқин фурсатда барча МТСларни мутахассис кадрлар блан ва трактор бригадаларини доимий ишчилар блан тўла та'минлашни тугаллаш зарур. Тракторларга ва бошқа машиналарга техника жиҳатидан қараб туришни анча яхшилаш, тракторчиларга ва МТСларнинг бошқа ходимларига моддий-маиший ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш керак. 40 та машина-трактор станциясида ишлабчиқариш ва маиший бинолар комплекс қурилишини ва давлат томонидан бу ишга берилган маблағлардан тўла фойдаланишни та'минлаш зарур.

Колхозларда трактор бригадалари учун дала шийпонлари қурилиши, бу дала шийпонлари ҳузурида тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини, ёнилғи ва мойлаш материалларини сақлаш учун бино, трактор бригадаларининг ходимлари учун ётоқхона бўлиши лозим.

Трактор ишлари таннархининг камида 5—7 процент камайтирилишига ва камида 3—5 процент ёнилғини тежашга эришамиз.

1954 йилда МТСлар, ихтисослаштирилган станциялар ва совхозлар учун етарли миқдорда механизатор кадрлар тайёрлашни та'минлаймиз.

Колхозларга агрономия ва зоотехника хизмати кўрсатишни анча яхшилаймиз. Агрозоотехника курслари ва қишлоқ хўжалик маданият уйлари орқали колхозчиларнинг малакасини оширишда уларга ёрдам берамиз.

МТСларнинг тракторчилари, трактор бригадаларининг бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчилари, инженерлар ва техниклар, агрономлар, зоотехниклар ва бошқа мутахассислар дала ишларининг сифатини кескин суратда яхшилашлари, меҳнат унумини тинмай оширишлари, МТСларда ишлабчиқаришнинг индустриал маданиятини кенг жорий қилишлари лозим.

МТС ходимларининг энг биринчи вазифаси — деҳқончилик соҳасидаги отоқли усталарнинг тажрибасини ва колхоз ҳамда МТСларда етишган ажойиб кишиларнинг тажрибасини ўрганишдан ва кенг жорий қилишдан иборатдир.

### СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА

Совхозларда пахта ҳосилини гектарига камида 30 центнергача оширишни ва давлатга ҳар гектар ердан 1953 йилдагига нисбатан 15 процент кўп пахта топширишни та'минлаймиз. Пахтачиликда машғул бўлган ҳарбир ишчи ҳисобига камида 60 центнер пахта етиштирамиз ва топширамиз.

Совхозлардаги машина-трактор паркини, от-уловни ва транспорт воситаларини кўкламги дала ишларига тайёрлашни 25 февральдан кечикмай тўла тамомлаймиз.

Чигит экишни 7—8 иш кунида ўтказамиз ва буни 10 апрельдан кечикмай тамомлаймиз; ғўзани яганалашни ва қатор ораларини биринчи ишлашни 15 майдан кечикмай тугаллаймиз. Бундан кейинги ҳарбир парваришни агротехника жиҳатидан белгиланган қулай муддатларда ўтказамиз, шу блан бирга ғўзаларни пахта ҳосилини машина блан йиғиб-териб олишни та'минлайдиган қилиб ишлаш юзасидан зарур агротехника тадбирларини амалга оширамиз.

Ҳамма мавжуд пахта териш машиналаридан тўла фойдаланамиз. Бутун пахта майдонидаги ҳосилнинг камида 60 процентини машина блан териб олишни та'минлаймиз; ҳарбир машина блан мавсум охиригача камида 60 тонна пахта терамиз; ғўзани парвариш қилишнинг янги усулларини — машина блан яганалаш ва қатор ораларини бўйига ҳамда кўндалангига ишлашни кенг жорий қиламиз.

Ҳар гектар бедапоядан суғориладиган ерларда камида 80 центнер хашак ва баҳорикор ерларда камида 20 центнер хашак ўриб оламиз; уруғлик беда пояларининг ҳар гектарида камида 2 центнердан уруғ етиштирамиз ва йиғиштириб оламиз.

Дон экинларининг ҳамма майдонидан гектарига камида 10 центнердан ғалла, 400 центнердан илдизмева ҳосили, 270 центнер силос экини, 150 центнер картошка ва 170 центнер сабзавот ҳосили оламиз.

1954 йилда баҳорикор ерларга ем-хашак экинлари ва беда экишни кенг жорий қиламиз.

Ҳарбир соғин сигирдан камида 2600 литр сут соғиб олишни, ҳарбир бош қоракўл қўйдан камида 3,2 килограмм ва дағал жунли қўйдан камида 1,8 килограммдан жун қирқиб олишни та'минлаймиз; тухум қиладиган ҳарбир товуқдан 140 та тухум оламиз; ҳар 100 совлиқ қоракўл қўйдан камида 110 тадан қўзи оламиз, қоракўл териларининг камида 90 процентини давлатга биринчи сорт блан топширамиз; сут соғиш ва молларни суғоришни механизациялашни камида 60 процентга, электр асбоблари блан жун қирқишни 80 процентгача етказамиз.

### СУВ ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА

Ерларнинг мелиоратив аҳволини янада яхшилаш мақсадида 130 минг гектар шўрхок ва ботқоқ ерда янги коллектор — зовур тармоқлари қурамиз ҳамда мавжуд коллектор-зовур тормоқларини яхшилаб тозалаймиз. Шу блан бирга захланадиган ва шўрланадиган ҳамма майдонларда суғориш тормоқларининг яхши аҳволда сақланишини та'минлаймиз.

Мелиорация жиҳатидан айниқса ёмон бўлган ерларда вақтинча зовурлар олишни кенг қўлланамиз.

Капитал сув хўжалик қурилиши ишини жиддий равишда яхшилаймиз; 1954 йилда 338 миллион сўм ҳажмида сув хўжалиги қурилиши ишларини бажарамиз; 53 миллион кубометр ер ишлари ва 100 минг кубометр бетон ҳамда темирбетон ишларини бажарамиз; планда кўрсатилган сув ҳавзалари ва гидротехника иншоотларини битказиб, уларни эксплоатацияга топширамиз; колхозларда сув оқишини тартибга соладиган ва ўлчаб борадиган 2 мингта тўғон қурамиз; 1954 йилги халқ хўжалик планида кўзда тутилган янги об'ектлар қуриш, Марказий Фарғона ва Мирзачўлда суғоришни ривожлантириш ва бошқалар юзасидан белгиланган программанинг бажарилишини та'минлаймиз. Суғориладиган ерларда экин майдонларини 133 минг гектар кенгайтирамиз ва шу блан бирга 1955 йилги ҳосил учун 84 минг гектар майдонда портов ва янги ерларни хўжалик учун ўзлаштиришга тайёрлаш юзасидан ирригация-мелиорация қурилиши ишларини қизитиб юборамиз.

Хўжалик қурилиши программасининг амалга оширилиши учун қурилиш ташкилотларини доимий ишчи кадрлари ва малакали мутахассислар блан та'минлаш, уларни механизмлар ва ускуналар блан та'минлаш учун зарур чораларни кўрамиз, суғориш системаларида сувнинг нобуд қилинишига қарши қат'ий кураш олиб борамиз, суғориш системасини яхшилаймиз ва сув ресурсларидан унумли фойдаланишга эришамиз. Экскаваторлардан ва ер қазийдиган бошқа техникадан юқори унумли фойдаланишни таминлаймиз; машина-экскаватор станцияларининг камида 55 миллион кубометр ер ишлари бажаришларини та'минлаймиз; ер қазиш механизмларида ишлаётган барча бригадаларнинг йиллик иш нормаларини тўла ва ошириб бажаришларига эришамиз; экскаватор чўмичининг ҳарбир кубометрига бир йилда камида 220—250 минг кубометрга етказиб, скрепер чўмичининг ҳарбир кубометрига йилига камида 10 минг кубометрга етказиб ер қазишига эришамиз. Д-6 дизелли ҳарбир землясос машинанинг йилига камида 130 минг кубометр, Д-157 маркали бульдозернинг ҳарбири блан йилига камида 50 минг кубометр ва Д-159 маркали бульдозернинг ҳарбири блан йилига камида 35 минг кубометр ер қазишга эришамиз; ер ишларининг таннархини экскаваторлар блан бажарганда 15 процент, землясослар блан бажарганда 10 процент, скреперлар ва бульдозерлар блан бажарганда 5 процент камайтирамиз.

Биз пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан кам ҳосил олаётган, чорвачиликни ривожлантириш планларини ва давлат олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаётган қолоқ колхозлар ва совхозлардаги, район ва МТСлардаги ишларнинг аҳволи учун мас'ул эканлигимизни тушунамиз.

Бундай колхозлар, совхозлар, МТСлар, районларнинг ишларини яхшилаш учун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида катта резервлар бор. Қолоқ колхозлар, районлар, совхозлар ва МТСларнинг ишларини доимий контроль остига олиб, уларга ўз ишларидаги камчиликларни тугатишда амалий ёрдам бериш, республикадаги барча колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришларини амалда та'минлаш, шу асосда умумий юксалишга эришиш зарур.

Колхозларда меҳнатни ташкил қилиш ва ҳисобга олишни яхшилаш учун зарур чораларни кўриш, қишлоқ хўжалик артели Уставига қаттиқ амал қилишни та'минлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш лозим. Колхозларнинг жамоат мулкини муқаддас билиб, уни кўпайтириш, давлат олдидаги барча мажбуриятларни ўз вақтида ва ҳалоллик блан бажариш бизнинг бурчимиздир.

Қишлоқ хўжалигида ишловчи ҳамма меҳнаткашлар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва катта э'тибор бериш, болалар муассасалари шохобчаларини кенгайтириш, умумий овқатланишни яхшилаш ва шу блан қишлоқ хўжалигидаги меҳнаткаш аёлларнинг қишлоқ хўжалигининг ҳамма тормоқларини юксалтириш учун курашда актив иштирок қилишлари учун шароит яратиб бериш керак.

Биз республикадаги илмий-текшириш муассасаларининг ходимларини қишлоқ хўжалигини кескин суратда яхшилаш соҳасидаги вазифаларни бажаришда амалий ёрдам кўрсатишга чақирамиз.

Республика саноат корхоналарининг ходимлари ва даставвал қишлоқ хўжалик машиналари, ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ходимлари қишлоқ хўжалиги учун машиналар, асбоблар, запас қисмлар ва ўғитлар ишлаб чиқариш программасининг тўла ва ошириб бажарилишини та'минлашлари, машина-трактор ва ихтисослаштирилган станцияларга, колхоз ҳамда совхозларга 1954 йилда олдимизда турган барча вазифаларни муваффақиятли бажаришда ёрдам беришлари лозим.

Биз қишлоқ хўжалик машиналари конструкторларидан чигит сеялкаларини, культиваторларни, пахта териш машиналарини, чанглагич, пуркагичларни, кўрак чувиш машиналарини ва сушилкаларни яхшилаш соҳасида янги муваффақиятларга эришишларини; пахта териш, кўрак териш машиналарининг, механизация қилинган сушилкаларнинг, уялаб-квадрат шаклда экадиган сеялкаларнинг, юк ортиш-юк тушириш ишларини механизациялаш воситаларининг янги, янада мукаммалроқ хилларини яратишларини ва ишлабчиқаришга топширишларини кутамиз.

Биз маданият ва соғлиқни сақлаш ходимларини республиканинг социалистик қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни яхшилашга чақирамиз.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларнинг реаллиги — бизнинг фидокорона меҳнатимизда, бизнинг иродамизда ва бу вазифаларни шараф блан бажаришимиздадир. Биз бундан аввалги йиллардагидек қардош республикалар — Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон қишлоқ хўжалик ходимлари блан социалистик мусобақа шартномаси туздик.

Биз Ўзбекистоннинг барча колхозчиларини, МТС ва совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, барча меҳнаткашларини бутун куч-қувватларини сафарбар қилишга, юксак ижодий активлик кўрсатишга, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун фидокорона меҳнат қилишга чақирамиз.

1954 йилда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тормоқларини ривожлантириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларимизнинг муваффақиятли бажарилиши КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи ҳукумати томонидан республикамиз олдига пахтачиликни янада юксалтириш соҳасида қўйилган ғоят мас'улиятли вазифаларни амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратиб беради.

**(Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгашида 1954 йил 28 январьда қабул қилинган).**

